Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 9 YANVAR, JUMA, 5 (7466) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли сирдарёлик фермерлар йил сайин янги-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Вилоятда кенг кўламда мелиорация ишлари амалга оширилмоқда. Фермерлар иқтисоди бақувватлашиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Энди уларнинг ихтиёрида янги замонавий ҳайдов, чопиқ, ишлов бериш тракторлари, "Класс", "Доминатор" "Кейс" каби ғалла ўриш комбайнлари бор. Фақатгина ўтган йилнинг сарҳисобига қарайдиган бўлсак, минглаб фермерлар уйларига беш тоннадан бошлаб 100 тоннагача дон туширдилар.

Юксак мақсадлар масъулияти

Ўтган йилда қабул пунктларига 248 минг тоннадан зиёд юқори навли пахта хомашёси етказиб берилди. Бу ютуқларга вилоят аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб фидокорона ишлаганликлари туфайли эришилди.

— Мустақиллик йилларида қишлоқларимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилган бўлсада ҳали ечилмаган муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдумавлон Ибодуллаев. — Шуни эътиборга олиш зарурки, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги, турмушимиз фаровонлиги учун ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим бўлади.

Дастурхонларимизни тўкин-сочин, турмушимизни фаровон, бозорларимизга файзу-барака киритадиганлар ҳам қишлоқдаги деҳқонларимиз, боғбонларимиз. Очиғини айтиш керак, кўзимизни қувонтираётган бу нозу неъматлар осонликча етиштирилмайди. Бунинг замирида тинимсиз меҳнат, ҳаловатсиз тунлар ётибди. Қишлоқдаги кишилар соатга қараб ишга чиқишмайди. Тонг отар-отмас уларни далада кўрасиз. Қишин ёзин ер ташвишида бўлади. Айни чирсиллаган чилла совуғида ҳам кетмон кўтариб яхоб бериб, шўр ювиётган сувчиларнинг меҳнатини жасоратга менгзаш мумкин.

Ховос туманидаги Найман қишлоғилик "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби "Камолиддин" фермер хўжалиги раҳбари Абдураззоқ Ҳотамовнинг иш тажрибалари йил сайин ортиб бормоқда.

— Яратганга минг қатла шукрки мана шундай дориламон кунларга етиб келдик, — дейди Абдураззоқ ота. — Фермер бўлиб мулк эгасига айландик. Шу ер орқали ўн нафар фарзандларимизни тарбиялаб вояга етказдим, уй-жой қурдик. Янги-янги техникалар олдик. Муборак ҳаж сафарига бориш насиб этди. Демак меҳнат қилсак, астойдил ишласак, ер ҳам, Яратган ҳам марҳаматини дариғ тутмас экан.

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг **"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"** деб эълон қилиниши бизни бехад руҳлантириб юборди. Бугун фермерга кенг имконият яратилган. Ҳукуматимиз томонидан ерларимиз мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида жуда катта ёрдам берилаяпти, янги техника, механизмлар, тракторлар, комбайнлар кредитга, лизингга берилаяпти. Ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар дала бошига етказиб берилаяпти. Бунинг қадрига етиш керак ва ўзинг учун, оиланг тўқлиги учун, юрт равнақи учун ерга меҳр қўйиб ишлаш керак.

— Вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор-зовурларни, дренаж тармоқларни тозалаш ишларига катта эътибор берилмоқда, — дейди вилоят гидромелиоратив экспедицияси бошлиғи Акрам Самиев. — Бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу хайрли ишларга дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Ўтган йилда 17 лойиҳа бўйича 637,7 км. очиқ зовурларни системали тозалаш, 192 км. ёпиқ-ётиқ дренажларни ишчи ҳолатига келтириш, 18 та йирик насос агрегатларини, 179 дона мелиоратив тик қудуқларни таъмирлаш учун 2,86 миллиард сўм маблағ ажратилди. Республика мелиорация жамғармаси ҳисобидан 3,5 км. марказий Мирзачўл, 5 км. Шўрўзак, 28 км. Кендик, 8 км. Овражный зовурлари реконструкция қилинди. 3 та янги насос станциялари қурилди. Гулистон-Дўстлик зовуридан 10 км. реконструкция қилинди. Бу йил ҳам бу ишлар босқичма босқич давом эттирилади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириб фермерларга яқиндан ёрдам беришдек вазифани вилоятдаги мелиораторлар ва шу соҳага дахлдор ташкилотлар изчил амалга оширмоқдалар. Уларнинг кўмаги билан вилоятдаги 110 минг гектар майдонлар шўри ювилмоқда, яхоб берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бўлғуси ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Бу йилда вилоятдаги мелиоратив ишларни амалга ошириш учун ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп, яъни 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ молиялаштириш кўзда тутилган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, кўчасида, қишлоғида байрам бўлаётган сирдарёликлар жорий йилни хушкайфият, эртангни кунга ишонч билан бошладилар. "Қиш фаслини ҳам иш фасли" деб билган бободеҳқонларнинг бугунги кунда олиб бораётган ишлари бўлғуси ҳосил баракали бўлишидан далолат бериб турибди. Сирдарёликлар юксак мақсадларнинг масъулияти янада катта бўлишини яхши билишади. Демакки, ушбу масъулият кўзлаган мақсадга етишиш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сирдарё вилояти

Иссиқхона компьютерда бошқарилмоқда

Янгийўл туманидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти қошидаги иссиқхона комплекси бир йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда замонавий мосламалар ўрнатилган. Уларни программалашган компьютер бошқаради.

Томчилатиб суғориладиган иссиқхонадан бир йилда уч маротаба ҳосил олиш имконияти бор. Йил давомида олинадиган ҳосил 100 тоннадан ошади.

Келажакда иссиқхонадан олинадиган даромад ҳисобига замонавий ўқув маркази қурилиши мўлжалланмоқда. Унда республикамизнинг турли жойларидан келган фермерлар ўқиб, тажриба ўрганадилар. Улар юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ана шундай замонавий иссиқхоналарни қуришади.

СУРАТДА: *мутахассис Ҳалим БОЛТАБОЕВ.*

Тошкент вилояти

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЯНГИ НАВЛАР – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири — серҳосил навлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Қорақалпоғистон бўлими илмий ходимлари экинларнинг маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган, сувсизликка чидамли, серҳосил навларини яратиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Бўлимда бугунги кунда тажрибали, малакали олим ва мутахассислар иш олиб боради.

Пахтачилик соҳасида кейинги йилларда 13 та янги нав яратилиб, улардан тўрттаси маҳаллийлаштирилди. Бугунги кунда етти нав давлат синовидан ўтказилмоқда. Улардан "Чимбой –5018" нави истиқболли деб топилиб, 2008 йилда 2 минг 798 гектар майдонга экилди. Шунингдек, КК-3565 ва КК-3708 навлари давлат нав синаш комиссиясига топширилди. Эртапишар "Дўстлик-2" ва "Чимбой-3512", сувсизликка чидамли "Орол-2" навлари мукаммаллаштирилмоқда.

Селекционерлар томонидан кунгабоқарнинг "Қорақалпоғистон-1" нави яратилди. Шунингдек, жўхори ва полиз экинларининг навларини яхшилаш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш юзасидан ҳам илмий изланишлар олиб борилаётир.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдаги сессиясида ана шулар ҳақида атрофлича сўз борди.

Сессияда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ернияз сўзга чиқди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Кунгина муҳим воқеалари

○ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

○ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Ҳуқуқий мавзудаги энг яхши мақола" республика кўрик-танлови якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Танлов якунларига кўра, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Г.Иноможова, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Қ.Чориев, "Моҳият" газетаси жамоатчи мухбири А.Азимов, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Н.Мирмуҳамедова совринли ўринларни эгаллади.

○ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг муҳандислик-техник марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ташкил этилган "IP телефония NGN тармоқлари асоси сифатида, NGN тармоқлари хавфсизлиги" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

○ Навоий шаҳрида бўлиб ўтган ўлкашунос библиографлар кўрик-танловида шаҳар ва туман ахборот-ресурс марказларининг ходимлари ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. «Энг яхши ўлкашунос библиограф» номинациясида Кармана туман ахборот-ресурс маркази ходими Гуллола Ёқубова биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Кармана ва Навбаҳор туман ахборот-ресурс марказлари «Энг фаол жамоа» номинациясида ғолиб чиқди.

○ Яқинда Учқўрғон иқтисодиёт коллежида замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Спорт мажмуининг кийиниш, муолажа ва дам олиш хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

○ Эътироф

ЭНГ ЯХШИ МАҲСУЛОТ

"Ўзстандарт" агентлиги томонидан аньанавий тарзда ўтказилиб келинаётган шу номдаги республика кўрик-танловида воҳа саноатининг етакчиси Шўртан газ-кимё мажмуаси ғолиб деб топилди.

Корхона маҳсулотларининг юқори сифатга эга эканлиги жуда кўп маротаба турли халқаро ташкилотлар ва нуфузли уюшмалар томонидан эътироф этилган. Аммо мажмуага мазкур танлов якунига кўра топширилган махсус диплом ва мукофотнинг ҳам алоҳида ўрни бор, албатта.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг интернетдаги сайтида эълон қилинишича, Шўртан газ-кимё мажмуаси кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритиш билан бирга ўз маҳсулотлари, яъни суюлтирилган ва товар газ, газ конденсати, техник олтингугурт, полиэтилен гранулалари ва тайёр полиэтилен маҳсулотларига "Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулоти" белгисини қўйиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилояти

Минерал ўғитларга суяниб деҳқончилик қилишнинг оқибатларини бошидан ўтказган деҳқонлар, айниқса, фермерлар бугунги кунда маҳаллий ўғитга кўпроқ эътиборини қаратишаётгани бежиз эмас. Бу эса, ўз навбатида, ҳосилдорликда намоён бўлаётир. Ҳар гектар ердан 55 центнергача пахта, 84 центнергача дон олаётган фермерларнинг аксарияти билан суҳбатлашсангиз, шунга иқрор бўласизки, маҳаллий ўғитда ҳикмат кўп.

ЎҒИТ ЕРНИ, ЕР ЭСА ЭЛНИ БОҚАДИ

Бунга амал қилган қишлоқ мулкдорлари "Олтин фермер" мақомига эга бўлдилар

Қўрғонтепа туманидаги "Аваз" фермер хўжалиги даласига йилнинг қайси ойида борманг, уюм-уюм органик ўғитларга кўзингиз тушади. 154 гектар экин майдони босқичма-босқич гўнглаб бориляпти. Натижа эса ғалла, пахта ва озуқа экинлари ҳосилдорлигида кўринаётир. Хўжалик аъзолари пахтадан биринчи теримда 39,4 центнердан ҳосил олишганлигининг ўзиёқ фикримизнинг исботидир. Яқинда вилоятдаги энг илғор ва айни вақтда миришкор фермерлар учун ташкил этилган машваратда иштирок этган фермерларнинг йил якуни бўйича таҳлили билан қизиқсангиз, минерал ўғит сарфи анча камайганлиги, органик ўғитлар улуши кўтарилганлиги рақамларда акс этади.

Шаҳрихон туманидаги "Ўктамжон" фермер хўжалиги раҳбари Бахмалхон опа Ганиева пахта ҳосилдорлигини 46,8 центнерга етказди. Икки йил аввал опага қарашли далаларда гектар ҳисобига 35 центнердан ҳосил олиш қаҳрамонлик саналарди. Ушбу ўзгаришнинг сири ҳақида сўраганимизда фермер фақат ота-боболаримиз каби ернинг дардига қулоқ тутаётганлиги, гўнг ёвуз чиринди шарофати билан тупроққа жон киритаётганлиги ҳақида айтади.

Бундан 3-4 йил аввал мамлакат миқёсида маҳаллий ўғитдан, чиринди-дан, зовур тупроқларидан фойдаланиш масаласи кун тартибига чиққан чоғида баъзи бир фермерларнинг энсаси қотганди. Фақатгина минерал ўғитга ишониш, эринчоқликнинг фойдасизлигини ҳаётнинг ўзи исбот этиб турибди. 2006 йил охирларида 50-60 йилдан буён фаолият кўрсатмаётган ахлатхоналарда пайдо бўлган чириндилар таркиби вилоят агрокимё станциясида таҳлил қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳар тонна чириндидан 7,8 килограмм азот, 5,6 килограмм фосфор, 8,5 килограмм калий, 4,8 килограмм гумус борлиги маълум бўлди. Тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган гумус, ғўзанинг танасини мустаҳкамлиқадиган калий тақчиллигининг олдини олишда чириндини саноат усулида тайёрлаш заурат эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар устун чиқди.

2007 йил ҳосили учун 72 минг тонна, 2008 йил ҳосили учун 102 минг тонна чириндини фермерларнинг даласига "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятининг жойлардаги филиаллари орқали етказиб берилди. Тўғри, барча фермер ҳам бу ишга тўла ижобий ёндашди, деб айтиш фикридан йироқмиз. Шуни айта оламизки, 2009 йил ҳосили учун маҳаллий ўғит жамғариш, жумладан чириндини тайёрлашда фермерларнинг иштироки янада кенгаймоқда. Ҳозиргача ҳар гектар ерга 5 тоннадан чириндини тайёрлаб, имкон бўлса яна ундан кўпроқ олишга интилаётган фермерлар кўпроқ кўзга ташланаётир.

Избоскан туманидаги "Чўнгбоғиш Азизбек" фермер хўжалиги раҳбари Азизбек Охунов икки йилдан буён "Олтин фермер" деган эътирофга сазовор бўлаётган ёш деҳқонлардан бири. У ҳозиргача ихтиёридаги ерига ажратилган микдордаги чириндини келтириб бўлди. Қиш фасли – иш фасли деган нақлнинг мағзини чаққан фермер шарбат учун органик ўғит жамғармоқда.

– Ернинг устки қатлами музлади, – дейди Азизбек Охунов. – Бугдойзорларга чириндини сепадиган вақт етиб келди. Аъзоларимиз ишни уйқусида босишга одатланишган. Камида 10 иш кунида ғаллазорларимизнинг ҳар гектарига 5 тоннадан чириндини сепиб бўламиз.

Ғаллазорларга донадор чириндини айни ер музлагандан сўнг солишнинг сабаби нимада деган саволга ўтган йилнинг қишида ҳожат қолмади. Ернинг музлаганлиги, бугдой майсаларининг тиним давридалиги боис чириндини бамисоли кўрпа вазифасини ўтайди. Қиш охири, баҳор бошида эса чириндини қор-ёмғирда эриб, тўғри томирга боради. Ҳарорат кўтарилгани сайин эса, у ўзлашиб майсанинг қаддини тез кўтаради.

Ҳозиргача фермерлар 80 минг тоннадан зиёд чириндини олишди. Вилоят бўйича қуриб ўтган 1300-1400 тоннагача чириндини бугдойзорларга сепиляпти. Тупроқни бойитиш орқали унинг унумдорлигини кўтариш борасида олиб борилаётган ишларда жуда кўплаб корхона ва ташкилотлар фермерларга кўмак беришяпти. Шу кунларда органик ўғит жамғариш, чунончи 83 жойда ҳар бири 500 тонналик компост тайёрлаш бўйича белгиланган ишлар бормоқда. Чунки ғалланинг ва ғўзанинг ҳар сувида шарбат оқизиш деҳқончилик учун муҳим омил эканлигини илғорлар тажрибаси исботлаб турибди.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири

Андижон вилояти

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Ҳарбийлик – Фозиловлар танлаган соҳа

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрин ва эътибор топа олсин". Бугун шуни ишонч билан айта оламизки, миллий армиямиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ, Қуролли Кучларимиз офицерлари шахсий таркибидан ўрин эгаллаш ёшларимизнинг чин маънода орзусига айланди.

Фарғоналик Инъомжон Фозилов ҳам болалигидан шарафли соҳага меҳр қўйганлардан. Юрт ҳимоясига масъул бўлиш, унинг равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган салоҳиятли офицерлар сафидан жой олиш кишидан юксак билим ва интилувчанлик ҳиссига эга бўлишни тақозо этади. Буни яхши билган Инъомжон мактабда аъло баҳоларга ўқиди, барчага намуна бўлди. Айниқса, математика, физика, тарих ва адабиёт дарслари унинг жону дили эди.

– Инъомжон жуда тиришқоқ, ўз устида тинимсиз ишлайдиган ўқувчиларимдан эди, – дейди математика ўқитувчиси Алишер Абдураҳмонов. – Ўзига нисбатан жуда талабчан эди. Унинг шу хислатини яхши кўрардим. Синфдошлари ҳам билимдон бу йигитни ҳурмат қилишар эди..

Ўқишдан бўш вақтларида спортнинг енгил атлетика, белбоғли кураш турлари билан мунтазам шуғулланиб келган ўғлон бу борада ҳам мураббийлари ишончини қозонганлардан. Белбоғли кураш ва енгил атлетика бўйича туман ҳамда вилоят миқёсида ўтказилган мусобақалар, хотира турнирларида кўп бора совриндорлар сафидан жой олди.

Интилувчан ўғлоннинг ўқиш ва изланишлари бесамар кетмади. Устозлари ва ота-онаси дуосини олган йигит Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширди. Керакли билимларни пухта ўзлаштирган, спорт машғулотларида анчайин чиниққан йигит синовлардан муваффақиятли ўтиб, курсантлик шарафига муяссар бўлди. Орзусирларига ниҳоятда қизиқиши, ўзи учун керакли билимларни ўзлаштиришда сабрлилиги билан сабоқдошларига ўрнак бўлиб келаётир, – дейди офицер Бахтиёр Жўраев. – Энг муҳими, у ўзига билдирилган ишончни оқламоқда.

– Болалик орзуимга эришиб, шарафли соҳа вакили бўлганимдан хурсандман, – дейди бўлажак офицер. – Акам – шартнома бўйича кичик сержант Музаффар Фозиловга жуда-жуда ҳавас қилар, у кишидан соҳа ҳақида эшитган қизиқарли ҳикоялар мени ўзига мафтун этарди. Ана шу ҳавас мени олий ҳарбий билим юртига етаклади. Мақсадим — миллий армиямизга муносиб, ҳар жиҳатдан етук офицер бўлиш.

Билим юртига борганимизда курсантни оила аъзолари бағрида учратдик. Ота-она навбатма-навбат фарзандини бағриларига босар экан, кўзлари қувончдан порлайди. Ўғилларининг ҳарбий либос ярашиб турган қадди-бастига қараб тўймайдилар.

– Ўғилларимнинг барчасидан мамнунман. Улар сабаб, эл ичра юзим ёруғ, қаддим тик. Чунки ҳаммалари эр йигитга ярашадиган ҳарбий соҳани танлашди. Катта ўғлим Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилмоқда. Иккинчи ўғлим, мана, бўлғуси офицер. Кенжам ҳам акаларининг изидан бормоқчи. Ҳозир Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида таҳсил олмоқда. Фарзандларимнинг юрт тинчлигини муҳофаза этувчи шундайин масъулиятли ва шарафли касбни танлаганидан фахрланаман, – дейди Мирзаолим Фозилов.

Ҳа, курсант И.Фозиловни олдинда катта марралар, қати очилмаган, кашф этилмаган соҳага оид синовлар кутиб тургани шубҳасиз. Ҳаётга эндигина қадам қўйган, баркамол офицер бўлишни кўнглига туккан бу қатъиятли йигитнинг орзуси ушалишига тилакдошмиз.

Жамшид НИЁЗОВ

Фарғона вилояти

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Ҳуқуқшунос маслаҳати

УЙНИНГ КАЛИТИ ҮНГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИНИ БЕРМАЙДИ

Мана, ниҳоят уй сотиб олиш учун етарли миқдорда маблағ тўплашга муваффақ бўлдингиз. Дидингизга мос келадиган уйни танладингиз ва уни сотиб олишга қатъий қарор қилдингиз. Лекин шошилманг. Аввало, уйнинг ҳужжатлари билан чуқур танишинг, уйнинг эгаси кимлигини, уйни сотмоқчи бўлган киши ҳақиқатан ҳам шу уйнинг эгасими ёки йўқми, уй ҳужжатларининг нотариус томонидан тасдиқлангани ва уйни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончнома ҳақиқийми йўқми нотариусга бориб аниқланг.

Уйни сотмоқчи бўлган киши "Пулни беринг-да, уйнинг калитини олиб, кириб бемалол яшайверинг, уйни нотариусга бориб расмийлаштириш қочмайди" дейиши ёки бўлмаса, "Ҳозир жуда бандман, пулни олганлигим ҳақида тилхат ёзиб бераверай, қўлим бўшагач расмийлаштираверамиз", деб айтиши ҳам мумкин. Шуни унутмангки, ҳар икки таклиф ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Тўғри, уй эгаси ҳақиқатан ҳам соф виждонли, ҳалол-пок инсондир. Бироқ амалиётда сотиб олинган турар-жойни нотариус орқали расмийлаштиришдан қочиш, харидорни алдаш, чув тушириш каби фирибгарликлар учраб туради.

Яқинда С. исмли бир киши уй сотиб олди, аммо уйни нотариус орқали расмийлаштирмади, пулни берди-ю, тилхат ҳам олмади, уйга оиласи билан кўчиб кириб яшайверди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, уйни унга сотган киши яширинча яна бир кишига сотиб, уйни унинг номига расмийлаштириб беради. Натижада, орада низо чиқди. "Уй сотиб олдим, энди бола-чақам билан хотиржам яшайман", деб ўйлаган С.нинг тинчи бузилди. У уйни сотган кишининг олдига бориб, уйни мен сотиб олган эдим-ку, пулни олгансан-ку, деб даъво қилганда у "Мен сенга уйни сотмаганман, пул ҳам олмаганман, сен менинг уйимда ижарада ўтирибсан, чунки қўлингда ҳужжат йўқ", деб жавоб беради кўзини лўқ қилганча.

С. охир-оқибат уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Тийинлаб тўплаган пулидан ҳам айрилади.

Афсуски, С.га ўхшаб фирибгарнинг қурбонига айланган кишилар анча-мунча учраб турибди. Хўш, бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш мумкинми? Мумкин, албатта. Бунинг ягона йўли сотиб олинган кўчмас ёки бошқа мулкни нотариус орқали расмийлаштиришдир.

Абдуҳаким НОРБОЕВ,
Пахтакор туманидаги нотариал идора нотариуси.

Жиззах вилояти

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

Яқин Шарқ муаммоси:

ЖАНГ МАЙДОНИ ЛИВАН ТОМОН КЕНГАЙДИ

Исроил армияси Ливан ҳудудини ўққа тутди. Маълумотларга кўра пайшанба куни тонгда Ливан ҳудудидан Исроилнинг шимолида жойлашган Нагария шаҳри томон бир неча ракета зарбалари берилган.

Бунга жавобан Исроил армияси Ливаннинг ракета зарбалари берган ҳудудига 5 та ракета зарбасини йўллаган. Исроил армияси қайси русумдаги ракеталардан фойдалангани номаълум. Шунингдек, Исроил ҳудудини қайси гуруҳ ўққа тутгани ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Аммо Ливаннинг Исроил томонга ракета зарбасини берган ҳудуди "Ҳизболлоҳ" радикал ташкилоти назорати остида ҳисобланади.

Исроил билан "Ҳизболлоҳ" ўртасида муқаддам ҳам ҳарбий тўқнашувлар содир бўлган эди. Шунинг учун ракета зарбалари билан боғлиқ барча шубҳа-гумонлар айнан шу ташкилотдан бўлаётир.

СОМАЛИ ҚАРОҚЧИЛАРИ 2 млн. ДОЛЛАРГА РОЗИ БЎЛИШДИ

Туркияга тегишли бўлган "Яса Неслихан" юк кемаси 2 миллион АҚШ доллари эвазига Сомали қароқчилари томонидан озод қилинган.



20 та денгизчи гуруҳидан иборат ушбу кема 2008 йил 29 октябрда Аден кўрфазида қароқчилар қўлига тушганди. Ўшанда қароқчилар кемани озод қилиш эвазига 15 миллион АҚШ доллари талаб қилишган, лекин кейинчалик савдолашган ҳолда 2 миллионга рози бўлишди.

Қароқчилар талабига кўра пул самолётда етказилиб, парашютдан ташлаб юборилган. Шу куниёқ кема озод қилиниб, Хитой томонга йўл олган.

Қароқчилар қўлида яна 40 тага яқин кема бор. Улардан 2 таси Туркияга тегишли.

АНГОЛА ПОЙТАХТИ ЛУАНДА ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАР

ECA International консалтинг компанияси ўтказган тадқиқотларга кўра Ангола пойтахти Луанда Япония пойтахти Токиони қувиб ўтган ҳолда дунёнинг энг қиммат шаҳари дея тан олинди.

Мутахассислар дунёнинг 270 шаҳрида 125 та энг кўп истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар баҳосини тенгалштирган ҳолда шундай хулосага келишган.

500 минг кишига мўлжалланган Луандада ҳозирда қочоқлар ҳисобига 5 миллион киши истиқомат қилади. У ерда 2 ҳоналик квартира ойига 7 минг АҚШ доллари, 1 литр сут эса 3 АҚШ долларига баҳоланади.

Бу қадар юқори нархларга Анголада 27 йил давом этган фуқаролар урушидан сўнг (уруш 2002 йилда тугаган) кузатилган катта иқтисодий ўсиш сабаб бўлган. Нефть ва олмосга бой бўлган Анголага катта миқдордаги чет эл инвестициялари кириб келди. Бу иқтисоднинг ўсиши билан бирга юқори даражадаги инфляцияни ҳам келтирибди чиқарди. Луанда дунёнинг энг қиммат шаҳри дея эътироф этилган бўлса-да, Ангола аҳолиси энг қашшоқ мамлакатлардан бири ҳисобланади.

РЕКОРД ДАРАЖАДАГИ СОВУҚ

Европа давлатлари бўйлаб кезаётган совуқ об-ҳаво янгидан-янги рекордларни қайд этмоқда.

Навбатдаги рекорд натижа Германияда ўрнатилди. Одервиц шаҳрида термометр кўрсаткичи -29 даражани кўрсатди. Бу қадар совуқ қиш Германияда охирги бор 1987 йил кузатилган экан. Шунда ҳам бу даражага етиб келмаган.

ИНҚИРОЗ ОҚИБАТЛАРИ

Буюк Британиянинг дунёга машҳур «Вежвуд» компанияси молиявий инқирозга учради. Бу ҳақда компаниянинг матбуот хизмати маълум қилди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироз қарийб уч аср давомида фаолият юритган ушбу афсонавий компаниянинг молиявий аҳволи ёмонлашуви ва инқирозга юз тутишига сабаб бўлган.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, Буюк Британияда 2008 йилнинг сўнгги ойларида кўплаб нуфузли компаниялар ҳамда «Вулвортс», «Завви», «Уиттард оф Челси» каби ўттизга яқин йирик савдо тармоғи хонавайрон бўлди.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида А.НУРУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ахчаликлар "ЗАНГОРИ ОЛОВ"дан баҳраманд



Ахча – Чуст тумани марказидан анча олисда жойлашган қишлоқлардан бири. Шу боис аҳоли "зангори олов"дан фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. Яқинда қишлоқ хонадонларида табиий газ ёна бошлади.

Туҳфа

Дарвоқе, Чуст туманида Европа иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг "Андижон ва Наманган вилоятларида аҳоли турмуш даражасини ошириш" лойиҳаси бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида Дамобод, Кўча, Гузар, Баймоқ, Истиқлол, Қизилтепа-Какликқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинларида ўрта босимли газ ва ичимлик суви тармоқлари бўйича лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етказилди ва маҳаллаларга газ тармоғи тортиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

– Жорий йил Юртбошимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб аталди, – дейди туман ҳокими Баҳодиржон Юсупов. – Демак, бу ўтган йилда амалга оширилган ишлар ҳамда эришилган ютуқларни янада кенгроқ кўламда давом эттириш деганидир. Қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми далага чиқиб, деҳқончилик қилишади. Деҳқончиликнинг асосий юмушларида, айниқса, ғўза парваришидаги барча агротехник тадбирларда, аёлларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бўлади. Шундай экан, далада ишлаб қайтган аёллар учун нега бизлар етарли шарт-шароитлар яратиб бермаслигимиз керак? Ҳа, айни кунларда бу борада янги режалар тузилиб, лойиҳа ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТДА: *ахчалик уй бекалари янги қулайликдан фойдаланмоқда.*

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Наманган вилояти

Ем-хашак етарли бўлса...

Қиш изғирини қўрқинчли эмас

Қаҳратон забтига олган айни кунларда чўлу биёбонларда сурув ортидан юрган чўпон-чўлиқларнинг ташвишлари анча кўпайган. Сабаби, бу вақтда қўй-қўзиларни қишловдан беталафот ва чиқимга йўл қўймасдан олиб чиқиш зарур. Адиз Гадоев раҳбарлик қилаётган Олот туманидаги "Олот" қоракўлчилик ширкат хўжалигида юқоридаги талабларга мос равишда иш олиб борилаётир. Бугунги кунда ширкатнинг 103 минг гектарни ташкил этган яйловларида 20 минг бош қўй-қўзи боқилаётир. Шунинг 12 минг бошини она совлиқлар ташкил этади. Жамоада чорва моллари 100 нафар чўпон-чўлиққа ишониб топширилган.

Хўжалик бош чорвашуноси Карим Хўжаниёзов тақдим этган маълумотларга кўра, бу йилги қишловни беталафот ўтказиш мақсадида 4542 тонна дағал хашак жамғарилганди. Бундан ташқари, 50 тонна арпа ҳам шу кунларда жудаям асқотмоқда. Бош чўпонлар Салом Нуров, Баходир Худиевлар Қорамкўл қўш, Янги қудуқ яйловларида қўй боқишади. Улар қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари салмоқли бўлаётир.

Ҳозирги кунда Бухоро вилояти "Қоракўл" бирлашмаси раҳбарияти билан ҳамкорликда яйлов зоналарида янги саксовулзорлар ташкил этиш борасида аниқ режали ишлар амалга оширилаётир. Мақсад чек-чегараси йўқ ҳудудларда ҳам чорва моллари учун тўйимли бўлган озуқабоп экинларни кўпайтиришдир.

Ширкат иш юритувчиси, тажрибали чорва билимдони Зокир оға Бобоқуловнинг номини кўпчилик ҳурмат ва алоҳида эътибор билан тилга олади. Сабаби, у ўз зиммасига юклатилган вазифани сидкидилдан уддалайди. Бобоқуловлар оиласини том маънода чорвадорлар сулоласи дейиш мумкин. Укалари Меҳмон, Усмон, Жаббор, Зоҳид ҳам акаси билан бир сафда ширкатнинг Гулбека яйловида сурув боқишади.

— Болалигим учи-кети кўринмайдиган яйловларда кечган. Нимагаки эришган бўлсам, шу чорванинг орқасидан. Ҳозирда ўғилларим ҳам улғайиб, қабатимга кириб қолди. Насиб этса, келаси йили уларни уйлаб-тўйламоқчиман, — дейди ширкат чорва билимдони Зокир Бобоқулов. — Сўнгги йилларда республикамизда чорвачилик соҳасига ҳукуматимизнинг эътибори кучайтирилди. Бу мен каби чорвадорларни қувонтиради. Бундан кейин ҳам эл-юрт маъмурчилигига ҳисса қўшаверамиз.

Жондор туманидаги Амир Темур номли наслчилик ширкат хўжалиги пешқадамлар сафида тилга олинади. 2008 йилнинг ўзида Самарқанддаги Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Субхон Сатторов ҳамда хўжалик раҳбари Шохон Юсупов ҳамкорлигида яссигул типидаги сур қоракўл қўйларининг "Бухорои шариф" нави яратилди. Ушбу нав Ўзбекистон Давлат патент идораси томонидан тасдиқланди.

— 1961 йили охирги марта бизнинг шароитимизда нав яратилганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу катта иш бўлди, — дейди ушбу хўжалик раиси Шохон Юсупов. — Бугунга келиб 253 минг гектарни ташкил этган яйловларимизда 17 минг бош қўй-қўзи, 85 бош туя боқилмоқда. Улар парвариши 43 та отардаги 100 нафар чўпон-чўлиқ зиммасида. Хўжаликда наслчилик ишлари намунали йўлга қўйилган. Айни чоғда бу ерда 650 бош наслли қўчқорлар парвариш этилаётир. Улардан йилига икки марта қон олиниб турилади. Чўпонлар қўйлар зотини яхшилашга эътибор беришаётир. Масалан, бош чўпон Аброр Маманиёзов ихтиёрида 450 бош совлиқ бор. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Ширкатда Аброр чўпоннинг издошлари кўп. Норали Рўзиев ҳозир 35 ёшда. У чўпонлик таёғини отаси — чорва билимдони Бек Рўзиевдан қабул қилиб олган. 435 бош қўйи бор. Чўпоннинг қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари мақтагулик. Энг яқин яйлов Кўрқудуқ ширкат марказидан 120 чақирим узоқда бўлса, энг узоқ ҳудуд Сўзандор эса 250 чақиримча келиб қолади. 65 та қудуқ сувидан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Саботли, Чинликоқ, Мирак яйловлари шивоқ, саксовул, қуёнсуяк, бағриқора сингари ўсимликларга бойлиги билан ажралиб туради.

1976 йилдан бери шу хўжаликда ишлаб келаётган ширкат раиси Шохон Юсуповнинг фикрларига қулоқ тутайлик:

— Қоракўлчиларга қишлов даврида имтиёзли кредитлар ажратилса яхши бўларди. Улар бу маблағга омихта ем, ёқилғи сотиб олишади. Ширкатимиз яйловлар учун бир йилга катта миқдорда солиқ тўлайди. Баҳор қурғоқчил келган йиллари эса сурув-сурув қўйларни бошқа ҳудудларга олиб бориб боқишга тўғри келади. У ердаги мутасаддилар эса чорва моллари учун яна қўшимча ҳақ тўлашимизни талаб қилишади. Бу таклиф ва мулоҳазаларимиз эътиборга олинса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Ширкатнинг Моҳонқўл зонасида 50 гектар суғориладиган ер майдони бор. Бу майдоннинг 25 гектарига беда, 25 гектарига эса бошқа озуқабоп экинлар экилади. Ҳозирги кунда ёзда жамғарилган 1700 тонна дағал хашак, 110 тонна сомон жудаям кўл келаяпти. Хўжаликдаги мавжуд 3 та фермадаги барча чўпон-чўлиқлар ҳолидан хабар олиб турилибди. Янгибой Саидов раҳбарлик қилаётган 3-фермада ўз соҳасини мукаммал биладиган чорва билимдонлари кўплаб топилади. Улар жорий йилда ажойиб меҳнат ютуқларига эришишга жазм этишган.

Қишнинг қор-қировли кунларига қарамасдан эл-юрт маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган бухоролик чорвадорларнинг қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари ана шундай салмоқли бўлмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бухоро вилояти

Қоракўлчилик

Навоий вилоятида қурилиш ва ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўтган йили қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш лойиҳалари асосида Навоий шаҳри, Қизилтепа ва Хатирчи туманида йилига 7 миллион донагача ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга заводлар ишга туширилди. Шунингдек, асфальт-бетон, мармар плиталари ва эшикромлар тайёрлашга ихтисослашган ўнга яқин корхона фойдаланишга топширилди.

2008 йилда вилоятда саккизта касб-ҳунар коллежи ва битта мактаб барпо этилди, капитал реконструкция қилинган ва тубдан таъмирланган элликдан зиёд умумтаълим муассасалари замонавий қиёфа касб этди. Қишлоқларда спортни ривожлантириш мақсадида олтита спорт иншооти қурилди. Навоий шаҳрида ёш оилалар учун 48 хонадонли кўркам турар-жой биноси қад ростлади.

– Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгаяди, – дейди Навоий вилояти капитал қурилиш инжиниринг компанияси директори Баҳодир Мансуров. – Жорий йилда чекка қишлоқларда учта янги коллеж, битта янги мактаб қуриш ва 30 мактабни капитал реконструкция қилиш режалаштирилган. Айни пайтда Хатирчи туманида педагогика ва енгил саноат касб-ҳунар коллежи, Нурота туманида қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг пудратчилари аниқланиб, лойиҳалаш-қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Вилоятимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бораётгани бунёдкорлик ишларини жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Навоий вилояти

ТАНЛОВ

Мамлакатимиз касб-ҳунар коллежларининг битирувчи курс ўқувчилари ўртасида биринчи марта уч босқичда ўтказилаётган "Касб маҳорати" танловининг "Ветеринария" ва "Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш" мутахассисликлари бўйича республика босқичи Самарқанд қишлоқ хўжалиги коллежида бўлиб ўтди.

Касб маҳорати – келажак пойдевори

– Танловдан мақсад республикамизнинг энг чекка ҳудудларида фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг қобилият ва интилишларини аниқлаб, касб маҳоратларини ошириш, уларнинг танлаган касби бўйича меҳнат бозорига тайёргарлик салоҳиятини кучайтиришдан иборат, – дейди Самарқанд вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Камолиддин Мизамов. – Танловда вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 20 нафар битирувчи иштирок этишди.

Республика ва вилоятдаги олий ўқув юртларининг соҳага дахлдор профессор ҳамда ўқитувчилари, тегишли ташкилот вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати олдида ўқувчилар дастлаб тест синовлари орқали ўзларининг назарий билимларини кўрикдан ўтказишди. Шундан сўнг "Ветеринария" йўналиши қатнашчилари қорамолларга умумий клиник ташхис қўйиш ва касалланган қуёнларни жарроҳлик йўли билан даволаш жараёнини амалиётда кўрсатишди.

"Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш" йўналиши бўйича танловда қатнашган ёшлар замонавий технологияда сут маҳсулотларидан белгиланган тартибда бринза, творог, қаймоқ каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришди.

"Ветеринария" йўналиши бўйича биринчи ўрин Самарқанд вилоятидаги "Самарқанд", иккинчи ўрин Сурхондарё вилоятидаги "Сайхун" ва учинчи ўрин Жиззах вилоятидаги "Пахтакор" қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларига насиб этди. "Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш" мутахассисликлари бўйича биринчи ўринни Самарқанд вилоятидаги "Кадан", иккинчи ўринни Навоий вилоятидаги "Навбаҳор" ва учинчи ўринни Сурхондарё вилоятидаги "Агросаноат" қишлоқ хўжалиги коллежлари ўқувчилари эгаллашди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига биноан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначилик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантиришга ихтисослашган янги банкка асос солинди.

MIKROKREDITBANK

"МИКРОКРЕДИТБАНК":

ҚИШЛОҚ РАВНАҚИ УЧУН САРМОЯЛАР

Аввало, шуни таъкидлашимиз жоизки, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ўзининг фаолиятидаги илк қадамлариданоқ аҳолининг турли қатламлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйди. Бундай ҳамкорликлар натижасида эса банк республикамизнинг энг чекка ҳудудларидаги энг узоқ қишлоқ ва овулларигача кириб бориб, аҳолига ўзининг қулай, намунали, тезкор замонавий хизматлари билан манзур бўлмоқда.

Айни пайтда банкнинг 78 филиали, 272 мини банки республикамиз аҳлига микросармоялаш борасида барча турда замонавий хизматларни кўрсатиб келмоқда. Ўтган икки йил давомида банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Банк айни пайтга келиб 140 мингдан зиёд мижоз билан ўзаро мулоқот қилмоқда.

"Микрокредитбанк"нинг ўтган вақт мобайнидаги фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, микромолиялаш ташкилотининг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда турли соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонлар сафи кенгайиб бораётганлиги кўринади. Яъни, банк ажратаётган кичик ҳажмдаги сармоялар билан қишлоқ жойларда фаолият юритаётган тадбиркорлар ўзларининг режаларини амалга ошириш имконига эга бўлишмоқда. Таъкидлаганимиздек, бундай ишларнинг қишлоқ жойларда жадал ривожланаётгани жуда катта аҳамият касб этади. Негаки, айни шундай тадбирлар самараси ўлароқ, ўша ҳудудларда саноатлашган тадбиркорлик соҳаси тараққий топиб, банк мижозлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аллақачон истеъмолчиларга, мамлакатимиз ички бозорига кириб боришга улгурган. Кимдир банкдан олган кредит ҳисобига савдо шохобчаси очиб қишлоқдошлари эҳтиёжини қондираётган бўлса, яна биров сартарошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шохобчаси билан маҳалладошлари оғирини енгил қилишга бел боғлаган. Яна қайсидир ҳунарманд ёки тикувчи ўз маҳоратини ёш шогирдларига ўргатиб келяпти. Хуллас, бугун банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч, фаолиятдаги ҳамкорлик самараси натижаларда ўз аксини топган.

Юртимизда ҳар бир йилни бирор бир ном билан аташ, бу борада махсус Давлат дастури амалиётга татбиқ этилиши ва унинг ижроси юзасидан жуда катта ижобий ишларнинг бажарилиши соҳалар ривожида ўзига хос пойдевор вазифасини ўтаяпти.

Биламизки, 2008 йил мамлакатимиз раҳбари томонидан "Ёшлар йили" деб номланди ҳамда ўтган йилда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ҳам ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарурий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларга ишлаб чиқаришни ташкил этишлари учун талайгина аниқ тадбирларни амалга оширди. Хусусан, банк Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида "Тадбиркорлик – давр талаби" мавзуида семинарлар, "Ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа" кўрик-танловини ташкил қилди. Ушбу танловларнинг республика босқичида "Энг чекка қишлоқдаги тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа", "Энг ёш тадбиркор аёл томонидан тақдим этилган лойиҳа", "Миллий ҳунармандчилик йўналишидаги энг яхши лойиҳа" йўналишлари бўйича голиблар аниқланиб, муносиб тақдирландилар.

Умуман, ўтган бир йил давомида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан республикамиз касб-ҳунар коллежларини битирган 1 292 нафар ёшга 1,3 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар, 3 774 та ёш оилага 6,6 миллиард сўм истеъмол кредити ва уларнинг тадбиркорлик ишларини юритишлари учун 8,2 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратди.

Айтиш керакки, банк томонидан амалга оширилаётган бундай тадбирлар замирида ҳаётга кириб бораётган ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама имкониятлар яратиб бериш ташаббуси ётибди.

Тарғибот-ташвиқот ишларини давом эттирган ҳолда банк бир йил ичида "Микрокредитбанк сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!" шиори остида Тошкент вилоятининг Паркент, Андижон вилоятининг Пахтаобод, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманларида кўргазмали семинарлар ўтказди.

Банк томонидан турли кўрик-танловлар ва конкурслар ўтказиш анъанага айланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа" кўрик-танлови ҳам ўказилган эди. Бу танловда ҳам тақдим этилган 600 га яқин лойиҳалар ичидан "Энг ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа", "Қишлоқдаги энг яхши замонавий маиший хизмат кўрсатиш объекти" ва "Аёл тадбиркор томонидан тақдим этилган замонавий хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳа" номинациялари бўйича голиблар аниқланиши тадбиркорлар фаолиятида самарадорликни, маҳоратни янада оширганлиги, ишларида пухталикни шакллантирганлиги турган гап. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, қишлоқ жойларда тараққиётнинг барча жабҳаларини ривожлантириш юртимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий йўналиш ва мақсадларидан бири сифатида қаралган ва шундай давом этиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманининг энг чекка қишлоқларидан бирида Баҳром Айтбоев бошчилигидаги "Шоҳруҳ-Ўткир" масъулияти чекланган жамияти фаолияти юқорида айтган фикримизга мисол бўлади. Гап шундаки, ушбу тадбиркорнинг чекка қишлоқ ҳудудида барпо этган автомобилларга сервис хизмат кўрсатувчи жамият биноси кўрган кўзни қувонтиради. Янги, замонавий, ойнаванд бино, ишлаш учун ҳам, мижозлар учун ҳам яратилган қулай шароитга ҳавас қилса арзийди.

— Илгари қишлоқ жойларда мана шундай бинолар қурилади, деса ишонмасдик, – дейди Б. Айтбоев. — Қарангки, бугунги кунда ажойиб ўзгаришлар амалга ошмоқда. Мамлакатимизда соҳага берилган эътибор, яратилган имконият туфайли мен сингари тадбиркорлар муваффақиятга эришишмоқда. "Микрокредитбанк" томонидан кўрсатилган 31 миллион сўмлик лизинг хизмати ҳисобига барча зарурий жиҳозларни олиб келиб ўрнатдик. Асосан Андижонда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган жамиятимизда 12 нафар ишчи меҳнат қилади.

Бугун фермер қишлоқ хўжалигидаги етакчи, иқтисодий тараққиётдаги таянч кучлардан бири саналади. Фермер нафақат ер билан тиллашувчи деҳқон, балки етук мутахассис, ишбилармон, тадбиркор ва билимдон кишидир. Республикамиздаги ҳар бир фермер фаолиятида худди шу маъно касб этган.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг бугунги иш жараёни ҳам фермерлик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ. Талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ мулкдорларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, банк ўтган йил давомида 3 886 та фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига 41,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратди ва лизинг хизматлари кўрсатди.

Хоразм вилояти Шовот туманида Муродбек Бекчонов раҳбарлик қилаётган "Қоратой Агро" агрофирмасининг ўрик, олма, шафтоли, гилос, помидор сингари мева ва полиз экинларидан тайёрлаётган беш турдаги шарбат ва тузламалари ҳаридоргир маҳсулот сифатида тан олинган. Бу фирмага банк томонидан 50 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган ва Муродбек Бекчонов ўз маҳалласидан йигирма нафар кишини иш билан таъминлаб, уларга доимий даромад манбаи яратди.

Яна бир тадбиркор – Камолиддин Ҳасановнинг "Гўзал Ҳулкар" ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган саккиз турдаги сут маҳсулотлари эса ўзининг чиройли, мустаҳкам қадоқланиши ва сифати билан ҳар қандай хориж маҳсулотларини ортда қолдириши, шубҳасиз. Саккиз нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган ушбу корхона керакли маҳсулотларни ён-атрофдаги қишлоқ аҳли ва фермер хўжаликларидан ўзаро тузилган шартномага асосан олади.

Банкнинг Асака бўлими мижози Элдорбек Қорабоев чорвачиликни ривожлантириш учун тўққиз миллион сўм миқдоридаги кредити эвазига ўн иккита зотдор қорамол сотиб олган эди. Ҳозирда Элдорбекнинг қорамоллари сони йигирма иккитага етган.

Хуллас, айни дамда "Микрокредитбанк" маблағлари кўмаги билан жойларда тадбиркорлик қилиб турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, ўз ҳудудидаги аҳолига намунали ва сифатли хизмат кўрсатиб келаётган тадбиркорлар сони ҳам, салмоғи ҳам кўпайиб бормоқда.

Тадбиркорлар сафини кенгайтириш мақсадида банк жамоаси бажараётган яна бир ижобий ҳаракатлардан бири яратувчиликнинг бу тармоғига хотин-қизларнинг ҳам жалб этилаётганлигидир. Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари бир неча жамоат ва давлат ташкилотлари билан қилинаётган ҳамкорлик мақсадларни тез ҳамда самарали олиб боришда ёрдам бермоқда. Зеро, бундай ҳамкорлик боис ҳар бир маҳаллага, ҳар бир оилага кириб бориш имкони яратилади. Банк тадбиркорликнинг биргина шу тармоғини ривожлантириш учун 6 682 нафар аёл тадбиркорга 13,2 миллиард сўм маблағ ажратган ва бунинг натижасида 16 мингдан ортиқроқ аёл иш билан таъминланган.

Хусусий тадбиркорлар қишлоқда ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан биргаликда ёш қиз-жувонларга ўзларининг касб ва маҳоратларини ўргатмоқдалар ҳам. Масалан, Сурхондарё вилоятида "Мафтуна-Одилжон-Нодира" хусусий корхонаси раҳбари Салтанат Аллаёрова микрокредит эвазига харид қилган дастгоҳлари ёрдамида худди шундай иш юритиб келмоқда. Тадбиркор аёл миллий мато – адрас тўқиш сирларини Сариосиё, Бойсун, Олтинсой каби туманлардан келган шогирдларга ўргатиб келмоқда. Бу корхонада бир кунда 40 метрдан зиёдроқ адрас тўқилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан бошланган 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб аталганлиги қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавийлаштириш учун янги бир босқични бошлаб берди, десак муболаға эмас. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **қишлоқ тараққиёти топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.**

Айтиш жоизки, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ўз мақсадларидан келиб чиқиб қишлоқ аҳолиси, биринчи навбатда ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш, фермерлар, тадбиркорларни моддий қўллаб-қувватлаш сингари ўнлаб аҳамиятга молик ишларни ўзининг янги йилдаги вазифалари деб белгилаб олган. Бунинг учун ҳуқуқий база ва имкониятлар етарли.

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорликни ривожлантириш, фаолиятни кенгайтириш учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берди. Фармонда банк устав капиталини 72 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган эди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича йиллик юқори ставка 7 фоиздан 5 фоизгача озайтирилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ушбу Фармон ва унинг доирасида бажарилаётган барча юмушлар республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермер ва деҳқон хўжаликларига яратилаётган шароитларни янада енгиллаштириш, демакки, юртимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини таъминлаш сингари кўплаб эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун ўта муҳим вазифалардир. Қолаверса, бу Фармон мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасидаги яна бир босқични бошлаб берди, десак янглишмаймиз.

Зеро, қишлоқ истиқболи юрт истиқболи гаровидир. "Микрокредитбанк" сармоялари эса тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

"Микрокредитбанк" матбуот хизмати.

Ирригация, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар диққатига!

Тошкент ирригация ва мелиорация институти етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 26 мартдаги 79- сонли буйруғига асосан очиқ лекциялар ўтказиш тўғрисида

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Маърузачининг фамилияси, исми, шарифи, илмий даражаси ва унвони	Маруза мавзуси	Сана	Кафедра номи	Ўқув корпуси, аудиторияси, вақти	Маруза тили
1	Мадаминова Зулхумор Рўзметовна, катта ўқитувчи	Халқаро молия ва унинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни	2009 йил 15 январь	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	Б-226 8.30	Давлат тилида
2	Раҳматов Абдуғани Джумабекович, т.ф.н., доцент	Электр материаллар ва генераторлар эксплуатацияси	2009 йил 16 январь	Гидромелиоратив тизимларни электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш	В-614 8.30	Давлат тилида
3	Бахронов Ҳаёт Нурович, к.ф.н., катта ўқитувчи	Металларнинг ўтказувчанлигини классик электрон назарияси. Ярим ўтказгичлар	2009 йил 19 январь	Физика ва кимё	А-128 8.30	Давлат тилида
4	Юсупов Мажид Юсупович, ф-м.ф.н., доцент в.б.	Қисм дастурлар ва улардан фойдаланиш	2009 йил 19 январь	Ахборот технологиялар	Б-411 10.00	Давлат тилида
5	Худояров Бахтиёр Алимович, ф-м.ф.н., доцент	Баъзи элементар функцияларнинг ҳосилалари. Ҳосила ҳисоблаш қоидалари	2009 йил 19 январь	Олий математика	Б-229 8.30	Давлат тилида
6	Рашидов Жамшид Ҳамидович, и.ф.н., доцент	Раҳбар ходимлар ахлоқи	2009 йил 20 январь	Сув хўжалигини бошқариш	Б-226 8.30	Давлат тилида
7	Нуржанов Сатбай Ешжанович, т.ф.н., доцент	Экзоген геологик жараёнлар ва ҳодисалар	2009 йил 21 январь	Гидрология ва гидрогеология	Г-608 8.30	Давлат тилида
8	Ташпўлатов Нусратулло Телманович, т.ф.н., доцент	Сув хўжалик тизимларида электр тармоқларини ҳисоблаш	2009 йил 21 январь	Гидромелиоратив тизимларни электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш	В-611 10.00	Давлат тилида
9	Саидова Мадина Ҳамидовна, и.ф.н., доцент	Комплексный анализ деятельности водохозяйственных организаций	2009 йил 22 январь	Сув хўжалиги иқтисоди	Б-119 10.00	Рус тилида
10	Гофиров Азим Жумаевич, катта ўқитувчи	Хўжаликлараро ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари	2009 йил 22 январь	Ер тузиш ва ер муносабатлари	Б-339 8.30	Давлат тилида
11	Раҳманқулова Барно Октамхановна, и.ф.н., доцент в.б.	Компьютер тармоқлари тўғрисида тушунча	2009 йил 22 январь	Ахборот технологиялари	Б-407 10.00	Давлат тилида
12	Аллаева Раиса Раҳимовна, катта ўқитувчи	Внешне торговая политика	2009 йил 22 январь	Иқтисодий назария асослари	В-613 8.30	Рус тилида
13	Таштанова Маъмура Таштановна, ф-м.ф.н., доцент	Ярим ўтказгичлар	2009 йил 23 январь	Физика ва кимё	А-120 10.00	Давлат тилида
14	Уралов Бахтиёр Раҳматуллаевич, т.ф.н., доцент	Насос станциялари ва қурилмаларини сув сарфини ошириш усуллари, уларни параллел улаш шартлари ва ишчи характеристикалари	2009 йил 23 январь	Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш	Г-104 8.30	Давлат тилида
15	Юнусов Рустем Фаикович, катта ўқитувчи	Ўтказгич материаллари	2009 йил 24 январь	Гидромелиоратив тизимларни электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш	В-606 8.30	Давлат тилида
16	Муқумов Абдуғани Муротович, катта ўқитувчи	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати	2009 йил 24 январь	Ер тузиш ва ер муносабатлари	Б-339 8.30	Давлат тилида
17	Ражапов Махсуд Холлиевич, катта ўқитувчи	Лойиҳани жойга кўчиришнинг моҳияти ва усуллари	2009 йил 24 январь	Геодезия ва ер кадастри кафедраси	Б-323 8.30	Давлат тилида
18	Муҳаммедов Азат Кадирович, т.ф.н., доцент	Ўзбекистонда ер ва сув ресурслари. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати	2009 йил 24 январь	Қишлоқ хўжалик гидротехника мелиорацияси	Г-511 8.30	Давлат тилида
19	Байзаков Тоҳир Мирзаматович, т.ф.н., доцент.	Захирадаги электр станциялар	2009 йил 25 январь	Гидромелиоратив тизимларни электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш	В-606 8.30	Давлат тилида
20	Миркаримов Бахтиёр Ғаниевич, и.ф.н., катта ўқитувчи	Маркетинг менежменти	2009 йил 26 январь	Сув хўжалигини бошқариш	Зал – 2 10.00	Давлат тилида
21	Раҳмонов Қосимжон Раҳмонович, и.ф.н., доцент	Ер мониторинги бўйича ягона ахборотлар банкини яратиш масалалари	2009 йил 26 январь	Геодезия ва ер кадастри кафедраси	Б-323 8.30	Давлат тилида
22	Даулетов Низаматдин Карматдинович, катта ўқитувчи	Классификация способов восстановления деталей машин	2009 йил 27 январь	Гидромелиорация ишларини механизациялаш	В-317 12.00	Рус тилида
23	Исроилова Дилором Зиявутдиновна, катта ўқитувчи	Ташқи савдо сиёсати	2009 йил 27 январь	Иқтисодий назария асослари	Зал – 4 12.00	Давлат тилида
24	Годованников Александр Максимильянович, т.ф.н., доцент	Теория и методы расчета железобетонных конструкций	2009 йил 27 январь	Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари	Г-317 8.30	Рус тилида
25	Касимбетова Салтанат Абдуллаевна, т.ф.н., доцент	Ишлаб чиқариш чиқинди сувлари билан суғориш хусусиятлари	2009 йил 27 январь	Қишлоқ хўжалик гидротехника мелиорацияси	Г – 511 8.30	Давлат тилида
26	Бараев Фридун Аҳмедович, т.ф.д., профессор	Бозор муносабатлари шароитида сувдан фойдаланиш	2009 йил 28 январь	Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш	Г-606 15.00	Давлат тилида
27	Муратов Аширбек Раҳимович, т.ф.н., доцент	Туннеллар қурилишини ташкил қилиш ва технологияси	2009 йил 28 январь	Гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва уларнинг технологияси	В-205 8.30	Давлат тилида
28	Акбаров Асқар Азлерович, т.ф.н., доцент	Сув сатҳи	2009 йил 29 январь	Гидрология ва гидрогеология	Г-610 10.00	Давлат тилида
29	Бозоров Дилшод Райимович, т.ф.д., профессор	Сув ўтказгичлар (амалий профили)	2009 йил 30 январь	Гидравлика	Г-405 13.00	Давлат тилида
30	Муродов Рустам Анварович, т.ф.н., катта ўқитувчи	Сув йўллари ва портлар тўғрисида маълумотлар	2009 йил 30 январь	Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари	Г-306 8.30	Давлат тилида
31	Хажиев Машарип Хажиевич, т.ф.н., доцент	Юк осиш механизмлари. Юк тортиш органлари	2009 йил 31 январь	Конструкцион материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш	В-107 10.30	Давлат тилида
32	Усмонов Азиз Магдалиевич, т.ф.н., доцент	Вторичные ферродинамические средства автоматики для технологического контроля	2009 йил 31 январь	Сув хўжалиги электротехникаси ва уни автоматлаштириш	В-213 12.00	Рус тилида
33	Кучкарова Дилором Файзуллаевна, т.ф.д., профессор	Гидротехника иншоот котлаванлари параметрлари. Нишаб текисликларни берилиши ва уларни ўзаро кесишиш чизиғини ясаш усуллари	2009 йил 31 январь	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	В-406 8.30	Давлат тилида
34	Музаффаров Шавкат Мансурович, т.ф.н., доцент	Ўта юқори кучланишли электр майдонларида технологик жараёнлардан фойдаланиш	2009 йил 2 февраль	Гидромелиоратив тизимларни электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш	В-606 8.30	Давлат тилида
35	Аҳмедов Икромали Аҳмедович, т.ф.н., доцент	Жароҳатланганда ва касбий касалланганда келадиган иқтисодий зарарни ҳисоблаш	2009 йил 2 февраль	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	В-216 10.00	Давлат тилида
36	Пўлатова Ҳалима Ашрабовна, катта ўқитувчи	Гидротехника иншоот котлаванлари параметрлари. Нишаб текисликларни берилиши ва уларни ўзаро кесишиш чизиғини ясаш усуллари	2009 йил 2 февраль	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	В-403 8.30	Давлат тилида
37	Серикбаев Бакир Серикбаевич, т.ф.д., профессор	Подготовка ирригационной и поливной техники к вегетационному периоду и эксплуатационные затраты на обслуживание гидромелиоративной сети	2009 йил 3 февраль	Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш	Г-602 12.00	Рус тилида
38	Туркменов Ҳасан Ишимович, т.ф.н., доцент	Металларни кесиб ишлаш, кесиш турлари, кесиш элементлари	2009 йил 3 февраль	Конструкцион материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш	В-107 8.30	Давлат тилида
39	Газиназарова Сиддиқа Маскаровна, т.ф.н., доцент	Қутқарув ишларини ташкил этиш	2009 йил 3 февраль	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	В-507 12.00	Давлат тилида
40	Холмирзаева Мадина Искандаровна, к.ф.н., доцент в.б.	Халқаро экологик ҳамкорлик	2009 йил 4 февраль	Экология ва сув ресурсларини бошқариш	Г-208 10.00	Давлат тилида
41	Ҳошимова Алима Иманалиевна, катта ўқитувчи	Педагогиканинг асосий тармоқлари. Махсус педагогика	2009 йил 5 февраль	Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси	В-305 10.00	Давлат тилида

ИНСТИТУТ ЎҚУВ-МЕТОДИКА БЎЛИМИ

Утерянная круглая печать выданная на ООО "H&R PROPERTIES" (ИНН 300317538) Юнусабадского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянный кадастровый документ за № 7-69/2007 на объект "Кооператорлар уйи" по адресу: г.Ташкент, Юнусабадский район, ул.Амира Темура, 60^А, считать недействительным.

"TASHAVTOTUR" МЧЖга қарашли "Даймлер-Бенц" русумли, давлат рақами 30 Т 9160 бўлган автомобилга йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш фаолияти учун берилган АТ 0009432 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план дома (БТИ) находящиеся по адресу: г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул.Караташ, 137^А, выданный на имя Туляганова Асата Нурматовича, считать недействительным.

Ҳажвчи ёзувчи ва таржимон Ҳабиб Сиддиқнинг номи адабиёт ихлосмандларига яхши таниш. Унинг "Кар қулоққа танбур", "Ким ошди савдоси", "Тўқайга ўт тушса", "Бедаво дарднинг давоси" каби ҳикоя ва ҳажвиялар тўпламлари чоп этилган ҳамда мухлислар эътиборини қозонган.

Ёзувчи сўнгги йилларда долзарб мавзулардаги публицистик чиқишлари ва мустақил Ватанимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари ҳақидаги мақолалари билан ҳам матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб турибди.

Қуйида газетамиз фаол мухбирларидан бири, ёзувчи Ҳабиб Сиддиқнинг янги ижодий намуналаридан газетхонларимиз эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Кўча ўртасидаги... дарвоза

Ҳажвчининг жиддий гапи

Ҳамма нарса унга қандай кўз билан қарашга боғлиқ ҳолда тасаввур уйғотади. Руҳий хаста одам учун соғлом кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ғирт жиннилик бўлиб туюлиши мумкин.

* * *

Афанди бир жойдан дарвоза олиб қочибди. Орқасидан эгаси қувлаб келаётган экан, дарвозани катта йўлнинг ўртасига қўйиб, ичидан қулфлаб олибди. Ҳалиги одам дарвозани ён томонидан айланиб ўтиб, бир тарсаки туширса, Афанди "Ие бу - ёқда ҳам дарчаси бор эканми?" дермиш.

Айрим жойларда давлат мулкини талон-торож қилиш ва ташмачиликка қарши кураш ишлари ҳам кўча ўртасига ўрнатилган дарвозани эга солади.

* * *

Дунёда ҳамма нарса нисбий. Бизнинг одамларга, уларнинг хатти-ҳаракатларига муносабатимиз ҳам. Ўзимиз ёқтирадиган кимса кўпроқ кулиб юборса "Жуда хушчаҳчаҳ одам, бир гапириб ўн кулади-я", деб мақтаймиз. Ёқтирмайдиган одамимизни худди шундай қилмиши учун "Бўлар-бўлмасга куйдирган калладай тиржаяверади", деб таърифлаймиз. Қўполроқ гап қилган мухолифни "Одобсизлигини қаранг, оғзидан боди кириб шоди чиқади-я", деймиз. Ўзимиз хушлайдиган одамни баъзида ундан баттарроқ гапи учун "Жуда сўқонғич йигит-да, болахонадор қилиб сўкади-я, азамат", деб мақтаб қўямиз.

* * *

Олис манзилни кўзлаб йўлга чиққан кимса йўлида азим чинорлар, алпдек теракларга ҳам, ўтиндан бошқага ярамайдиган қинғир-қийшиқ ўсган дарахтларга ҳам, кўриб дилинг яшнайдиган гуллару кўзингни олиб қочсанг бадбўй ҳиди кўнгилни беҳузур қиладиган сассиқ алафга ҳам дуч келиши мумкин. Ҳаёт ҳам бир йўл. Унда турфа хил одамларга дуч келасан.

* * *

Гўдак доимо онасига талпинади. Она бағрида, она оғушидагина тинчланади, ҳузурланади, ором топади. Ватанни онага менгзайдилар. Инсон ҳар қандай маконда Ватанга интилади. Ўзга заминдаги ҳар қандай шароитда инсон ўзини Ватандагидек эркин ҳис қилолмайди.

* * *

Баъзида андиша фазилатми ёхуд қусурми, деб ўйланиб қоламан. Албатта, ўз ўрнида, меъёрида бўлса юксак фазилат. Лекин, "андиша" ниқоби остидаги мутелигимизни ҳам тан олишимиз керак. Яшириб нима қиламиз, нафақат ёшлар, айрим катталарда ҳам мустақил фикрлаш кўникмалари чатоқ. Арзимаган нарса учун ҳам кимнингдир кўрсатмаси ёхуд руҳсати бўлиши кераклигига ўрганиб қолганмиз.

* * *

Бир кишидан "Иштаҳанг борми?" деб сўрашса, "Мен бечоранинг шундан бошқа нимам бор", деб жавоб берган экан. Ўз саломатлигимизни ўйлаб, жисмимизни озиқлантирувчи айрим нарсалардан парҳез қилганимиз сингари, ахборот асрида янгиликларга "иштаҳамиз" карнай бўлса-да, руҳимизни озиқлантирувчи "маҳсулот"ларнинг ҳам баъзиларидан парҳез сақлаш лозим бўлиб қолди.

Ён дафтардан

* * *

- Бир куни дафъатан бошим оғриб қолди. Хурсанд бўлиб кетдим, - деди бир танишим. - Анчадан бери фақат бошқалар берган топшириқларни бажариш билан овора бўлиб, бошим борлиги эсимдан ҳам чиқиб кетган экан.

* * *

Донишманддан сўрабдилар:

- Ақл устунми ёки пул?

- Ақл устун, чунки пул билан ақл топиб бўлмайди, ақл билан пул топиш мумкин.

Шунга ўхшаш маънавиятли инсон моддий бойликни яратиш йўлини топа олади, аммо моддий таъминланган маънавий қашшоқ кимсадан яхшилик кутиб бўлмайди.

* * *

Булбул тухумдан бола очса фақат биттаси булбул, қолганлари қарқуноқ чиқармиш. Куйлайдиганларниям, ёзадиганларниям саралари унчалик кўп эмаслигига ажабланишнинг ҳожати йўқ экан-да.

* * *

Инсон учун ҳар қандай мағлубият бир сабоқдир. Фақат ана шу сабоқдан тўғри хулоса чиқариб ололган кишигина ютади.

* * *

Ижодкорлар — инсонлар қалбига эзгулик уруғини сочувчилардир. Мутахассисларнинг фикрича, умид билан тупроққа қадалган бир дона буғдой донидан икки юз эллик-уч юз дона буғдой дони етишар экан. Шояд биз экаётган эзгулик уруғлари ҳам ана шундай ҳосил берса.

Ҳабиб СИДДИҚ

Қоршеър

Осмон бодроқ тўкди кун бўйи —
Борлиқ қўйни тўла оппоқ дур.
Табиатнинг бу кумуш тўйи
Тарновларга улашар ҳузур.

Кўпни кўрган оғочлар яна
Елкасига олар бор юкни.
Ҳали давом этар тантана —
Асраш керак ҳар нозикликни.

Кекса мўри зерикмас чекиб,
Лек ҳавони қилмас бемаза.
Изғириннинг қалами тегиб
Гулзор бўлиб кетди дераза.

"Оққуш бўлиб қанот ёзайлик!"
Хаёлларнинг йўқдир поёни.
Ташқарига шошар гўзаллик
Шарфга ўраб олиб ҳаёни.

Поклик чулғаб борар ҳар ерни,
Оқлик инар далаю боққа.
Аёзкотиб энг дилбар шеърни
Доғ юқтирмай кўчирар оққа...

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Тайёрлов курсига марҳамат!

Тошкент Давлат Аграр университети 2009-2010 ўқув йилида республикамизнинг олий ўқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун 2009 йил 2 февралдан бошлаб олти ойлик пуллик тайёрлов курсига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент Давлат Аграр университетининг пуллик тайёрлов курси тингловчиларни республикамизнинг олий ўқув юртларига кириш учун қуйидаги фанлар: математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовларини топширишга тайёрлайди.

Тайёрлов курсида ўқиш университетнинг малакали профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. **Тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.**

Ҳарбий хизматни ўтаб, йўлланма билан келган ёшлар ҳамда "Меҳрибонлик уйлари" битирувчилари бепул ўқитилади ва давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўқиш ва ётоқхона учун ойига 60 минг сўм маблағни нақд ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин.

Ўқиш 2009 йил 2 февралдан бошланади.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

1. Ариза.
2. 3х4 ўлчамли 2 доно фотосурат.
3. Аттестет ёки паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар тайёрлов курси биносининг 2-қават, 3-хонасида қабул қилинмоқда.

Мурожаат учун телефон: 260-48-49.

Манзилимиз: 19, 83, 96, 115, 129-автобуслар ҳамда 6, 7, 12, 20, 49, 50, 77, 137, 485, 508, 513, 523, 525-микроавтобусларнинг университет бекати.

"Пахтакор" сафида серблар

ФУТБОЛ

17 январдан бошлаб Москвада МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган Тошкентнинг "Пахтакор" футбол клуби 3 январдан эътиборан Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида шуғулланмоқда.

Виктор Жалилов раҳбарлигида ўтказилаётган йиғинда ўтган мавсумда "Пахтакор" таркибида ўйнаганлар ҳамда турли жамоаларга ижарага бериб юборилганлар билан бир қаторда янги футболчилар ҳам қатнашишмоқда. Жумладан, сафга икки нафар сербиялик футболчи келиб қўшилди. Сербия миллий чемпионатининг биринчи даврасини «Напредак» таркибида ўтказган ярим ҳимоячи Милан Николич ҳамда марказий ҳимоячи Боян Миладинович айни пайтда «Пахтакор» кўригидан ўтяптилар.

Дарвоқе, шу ҳафта охирида "Пахтакор" клуби мутасаддилари Осиё футбол конфедерацияси томонидан Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда ташкил этиладиган махсус семинарда иштирок этишади.

Катта Кличконинг рақиби ким бўлади?

БОКС

Украиналик профессионал боксчи Виталий Кличко навбатдаги жангини Куба шарафини ҳимоя қилувчи Хуан Карлос Гомесга қарши ўтказади.

Гомеснинг промоутери Ахмет Онер яқин кунлар ичида иккала боксчи томонидан жанг ўтказиш ҳуқуқини берувчи шартномага имзо чекилиши ҳақида айтиб ўтди. Учрашув шу йилнинг 21 март куни Германиянинг Штутгарт шаҳрида ташкил этилиши кўзда тутилган.

Виталий Кличко ҳозирда супероғир вазннинг WBC йўналиши чемпиони ҳисобланади. Гомес эса мазкур камарга даъвогар боксчидир. Мабодо томонлар шартнома бандларига амал қилмай, жангдан воз кечишса, у ҳолда WBC раҳбарияти тезда аукцион ўтказади. Яъни, катта Кличкога қарши рингга кўтарилиш истагида бўлган боксчилар ўзаро баҳс бойлашади.

Гельзенкирхенда Янги йил пойгаси

БИАТЛОН

Германиянинг Гельзенкирхен шаҳридаги "Фелтинс-Арена" стадиони ва унинг атрофида еттинчи маротаба янги йил пойгаси ўтказилди.

Кўпчилик учун кутилмаганда украиналик Оксана Хвостенко ва Андрей Дериземля жуфтлиги ғалаба қозонди. Ўтган йилги чемпионлар россиялик Екатерина Юрьева ва Дмитрий Ярошенко дуэти эса бу сафар учинчи ўрин билан қаноатланди. Улар Германия ва Австрия вакилларидан иборат Мартина Бек ва Кристоф Зуманн жуфтлигини ҳам олдинга ўтказиб юборишди.

Замонавий биатлон қироли, янги йил пойгаларининг тўрт карра ғолиби норвегиялик Олеэйнар Бьорндален мусобақада қатнашмасликка қарор қилган.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Организация в Ташкенте

Изготовливает и реализует грузоподъемных средств из стальных канатов и цепей (стропы, чалки, удавки, пауки). Имеется лицензия госинспекции "Саноатконтехназорат".



стропа 4СК 4-х ветвовая | стропа 2СК 2-х ветвовая | стропа 1СК 1 ветвовая | стропа СКИ 2-х ветвовая | стропа УСК универсальная кольцевая

Адрес: С.Рахимовский район, ул.Уста Ширин 120, "Сувсаноатмаш" ОАО (бывший Экскаваторный ремонтный завод — ТОМРЭЗ).
Контактный телефон: 713-86-85, 748-34-52 (сот.).

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

"ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН" ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ЛОТ № 1-3 ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-1. Чиноз туманидаги "Олмазор" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 42,6 км., бажариш муддати – 8 ой).
Лот 1-2. Янгийўл туманидаги "Шўралисой" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 82,3 км., бажариш муддати – 6 ой).
Лот 1-3. Ўрта Чирчиқ туманидаги "Катта Чирчиқ" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 99,7 км., бажариш муддати – 11 ой).
Лот 1-4. Бўка туманидаги "Жиғилсой" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 92 км., бажариш муддати – 9 ой).
Лот 2-1. Оққўрғон туманидаги "ГКШўрсой" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 66,8 км., бажариш муддати – 8 ой).
Лот 2-2. Бекобод туманидаги "БСТЗ" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 77,54 км., бажариш муддати – 9 ой).
Лот 2-3. Қуйи Чирчиқ туманидаги "Улавливающий вдоль РК-10" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 155,56 км., бажариш муддати – 11 ой).
Лот 2-4. Паркент туманидаги "Яилмасой" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 22,9 км., бажариш муддати – 4 ой).
Лот 3-1. Қибрай туманидаги "Аэродромный" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 31 км., бажариш муддати – 5 ой).
Лот 3-2. Юқори Чирчиқ туманидаги "Сарисув" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 67,3 км., бажариш муддати – 8 ой).
Лот 3-3. Оҳангарон туманидаги "Қорасув" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 58 км., бажариш муддати – 7 ой).

Қурилиш ишлари: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти томонидан молиялаштирилади.

Танлов ташкилотчиси – "MELIOKONSALTING" масъулияти чекланган жамияти.

Буюртмачи манзили: *Тошкент шаҳри, Чо Мен Хи кўчаси, 13-уй. Тел.: (+99898) 303-58-79.*

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"MELIOKONSALTING" масъулияти чекланган жамиятига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: *Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Тел/факс: (8-371) 241-14-89.*

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 (юз) минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоларининг эълони матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидан рўйхатга олинган "AZIYA-SPESPRIBOR" МЧЖ Устав фондини камайтиради. Тел.: 332-86-09.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "CAPITAL MENEJMENT AND MARKETING" (ИНН 300811335) хусусий корхонаси ўз макомини ўзгартириб, "CAPITAL MENEJMENT AND MARKETING" масъулияти чекланган жамиятига айлантирмоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган якка тартибдаги тадбиркор Бадалбоев Шерзод Дилшод ўғлига берилган реестр № 0907580 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО ИК "ELERON-KA" Мирзо Улугбекского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 285 820 265 сум до 274 233 459 сум. Претензии принимаются по тел.: 256-51-82.

Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталари таҳририяти журналист **Қодиржон СОБИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Руломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баходир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04.Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – 585-12-17; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 541-99-07; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 505-49-16; Қашқадарё – 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Ⓕ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А.НУРБОЕВ
Мусаҳҳиҳ: С.ИСЛОМОВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 -рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-18, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.35
18219 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345678